O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
**HOKIMI**
**QARORI**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

…13 у.г. « 21 » январь № 18-К Samarqand sh., – г. Самарканд

**“Қорадарё” дарёси ўзанидан 1,6 км узунликдаги 24 гектар ер майдонини “SAMJIN INVEST” масъулияти чекланган жамиятига дарё оқимини тартибга солиш ва ўзанини тозалаш жараёнида қазиб олинган қум ва шағални қайта ишлаш мақсадида бириктириб бериш тўғрисида**

“SAMJIN INVEST” масъулияти чекланган жамиятининг вилоят ҳудудидан кесиб ўтаётган “Қорадарё” дарёси узанини тозалаш, дарёнинг оқимини тартибга солиш ва ўзанини тозалаш жараёнида инерт материаллари (қум, шағал)ни қайта ишлаш учун ер майдонини бириктириб бериш тўғрисидаги 2012 йил …8 декабрдаги 67-сонли мурожаатига асосан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2012 йил 14 декабрдаги …8/1085з-сонли, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2012 йил …2 декабрдаги 01-1893-сонли ҳамда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2012 йил 24 декабрдаги 01/512-сонли хулосаларини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. “SAMJIN INVEST” масъулияти чекланган жамиятига вилоят ҳудудидан кесиб ўтаётган “Қорадарё” дарёсидан дарёнинг оқимини тартибга солиш ва ўзанини тозалаш мақсадида инерт материаллари (қум, шағал)ни қазиб олиш ҳамда қазиб олинган инерт материалларини қайта ишлаш учун дарё ўзанидан 1,6 км узунликдаги 24 гектар ер майдони бириктириб берилсин.

2. “SAMJIN INVEST” масъулияти чекланган жамияти (О.Абдуллаев)га “Дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тўғрилашни ташкил қилиш” лойиҳаси асосида давлат экологик экспертизасининг 2012 йил 14 декабрдаги …/1085з-сонли ижобий хулосаси талаблари тўлиқ бажарилгандан кейин ҳамда экологик оқибатлар лойиҳасига Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олингандан сўнг дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тўғрилаш ҳамда қайта ишлаш мақсадида инерт материаллари (қум, шағал) қазиб олишга рухсат берилсин.

3. Вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (З.Жамолов) ва Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Ғ.Қосимов)лар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув

баларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш исида”ги ҳамда 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли “1999-2005 йилларда кистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат ри тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасининг йил 14 декабрдаги 18/1085з-сонли ижобий хулосаси талабларига қатъий қилинишини назоратга олишни таъминласинлар.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари иходжаев зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **З.Мирзаев**